

**Мардонов Б.Б.,**

Тошкент ахборот технологиялари  
университети Самарқанд филиали катта  
ўқитувчиси

## ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА БАНДЛИК

***Мамлакатда барқарор ижтимоий тараққиётга эришиш, биринчи навбатда, аҳоли бандлиги даражасининг ошиши орқали намоён бўлади. Бандлик ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлиб, бунда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш тушунилади. Аҳоли бандлигининг таъминланишида макроиқтисодий категориялар ўртасидаги боғланишлар катта роль ўйнайди.***

Ҳар бир мамлакатда ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, иқтисодий ўсиш, бандлик ҳамда меҳнат унумдорлиги каби иқтисодий категориялар ўртасида ўзаро боғланишлар мавжуд. Улар орасидан иқтисодий ўсиш ва бандлик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мамлакат тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Қайси мамлакатда иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлиги ўртасида ўзаро узвий боғланишнинг юқори даражаси таъминланса, ўша мамлакатда иқтисодий тараққиёт суръатлари жадаллашади. Аксинча, бу муҳим кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик кучсиз бўлса, мамлакат тараққиётида қатор муаммолар келиб чиқади. Иқтисодчи олимлар Л.В.Стрелкова., С.С.Кабановлар, «...бир томондан иқтисодий ўсиш келажакда янги иш ўринларини очиш имконини берса, иккинчи томондан харажатларнинг камайиши, меҳнат

унумдорлигининг ошиши, ишлаб чиқаришда самарадорликнинг ўсиши каби жараёнларнинг ривожланиб бориши натижасида банд аҳоли сонининг қисқариб боришига олиб келади<sup>1</sup>», деб таъкидлаганлар. Демак, иқтисодий ўсиш ҳамма соҳада ҳам мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини англатавермайди. Шунингдек, иқтисодий ўсиш узоқ муддатда бир текис ва узлуксиз давом этмайди. У иқтисодий беқарорлик даврлари билан узилиб туради. Ушбу даврлар аҳоли бандлиги муаммоларининг кескинлашуви билан тавсифланади. Иқтисодий ўсиш ва бандлик даражасининг ошиши ўртасида мувофиқликка эришилса, иқтисодий ўсиш узоқ ва барқарор суръатда амалга ошади. Шу сабаб-

<sup>1</sup> Стрелкова Л.В., Кабанов С.С. О Влияние инноваций на рост производительности труда и занятость в Российской экономике. // «Социальные науки», 2011, №1. –С. 147–150.

ли давлат бандлик масаласига жиддий эътибор қаратиб, уни тартибга солиб туриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Аҳоли бандлиги ва уни таъминлаш муаммолари бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилган. Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнатидан унумли фойдаланиш тўғрисида ҳам муҳим илмий ғоялар ишлаб чиқилган. Аммо буларнинг барчаси ишсизлик муаммосини тўлиқ юмшатиш имконини бермаяпти. Модомики, иқтисодий ўсиш ва бандлик ўртасидаги боғлиқлик аниқланмас экан, иқтисодчи олимларнинг ишсизлик муаммосини юмшатиш борасидаги турли хил мунозара ва тортишувлари давом этаверади. Иқтисодчи олим Ю.С.Ершов «Пространственный аспект Российской экономики и перспектив её развития: до и после кризиса» номли мақоласида «Ғарб мамлакатларида ЯИМ ўсиш суръати 103,0 фоизга етганда банд аҳоли сони ортганини»<sup>1</sup> таъкидлаган. Демак, иқтисодий ўсиш суръати маълум даражага етгунга қадар ижтимоий ишлаб чиқаришда банд аҳоли сони қисқариши ҳам мумкин. Яъни иқтисодий ўсиш ва бандлик ўртасида мувозанат нуқтаси мавжуд бўлиб, уни топиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли бугунги кунда дунёнинг айрим ривожланган мамлакатларида иқтисодиётнинг мутаносибли ва мувозанатли ривожланиб боришини таъминлаш долзарб вазифа деб қаралади. Таъкидлаб ўтиш

ўринлики, иқтисодий ўсиш ва бандлик ўртасидаги мувозанат нуқтаси турли мамлакатларда турли хил даражада бўлади. Унинг бир меъёрини белгилашнинг иложи йўқ. Шунинг учун ҳам мамлакат иқтисодий ўсиш даражасини белгилашда бандлик категориясига алоҳида эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Иқтисодий ўсиш ва бандлик ўртасидаги мувозанат мамлакатда қуйидаги энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимини топишда муҳим рол ўйнайди.

Биринчидан, иқтисодиётда банд аҳоли меҳнатидан унумли фойдаланишга эришилади. Статистик маълумотларга кўра, Россия Федерацияси, Буюк Британия, Хитой ва Япония мамлакатларида ишсизлик даражаси иқтисодий ўсиш даражасига қараганда ўртача 3,5–4,5 фоизга ортиқ (1-жадвал). Лекин бу кўрсаткич мамлакатнинг умумий ижтимоий-иқтисодий аҳволига таъсир этмайди. Чунки маълум меъёргача ишсизлик мамлакат иқтисодиётида ижтимоий муаммони келтириб чиқармайди ҳамда иқтисодий ўсиш суръатига таъсир қилмайди.

Буюк Британияда иқтисодий ўсиш суръати охириги ўн йил ичида ўртача 1,2 фоизни, Японияда эса қарийб 1,0 фоизни ташкил этганига қарамасдан, бу давлатлар аҳоли турмуш даражаси ва сифати юқори давлатлардан ҳисобланади. Аммо айрим Собиқ иттифоқ давлатларида, аксинча, бандлик даражаси ҳамда иқтисодий ўсиш суръати юқори бўлишига қарамасдан, аҳоли турмуш даражаси

<sup>1</sup> Ершов Ю.С. Пространственный аспект Российской экономики и перспектив её развития: до и после кризиса. // «Регион: Экономика и социология», 2010, №2. –С. 129–153.

**1-жадвал. Дунёнинг айрим ривожланган мамлакатларида иқтисодий ўсиш ва ишсизлик ҳолати<sup>1</sup>**

Йиллар	Россия Федерацияси		Буюк Британия		Хитой		Япония	
	ЯИМ ўсиш суръати, %	Ишсизлик даражаси, %	ЯИМ ўсиш суръати, %	Ишсизлик даражаси, %	ЯИМ ўсиш суръати, %	Ишсизлик даражаси, %	ЯИМ ўсиш суръати, %	Ишсизлик даражаси, %
2003	7,3	8,6	2,8	5,0	10,0	4,3	1,4	5,3
2004	7,2	8,2	3,0	4,8	10,1	4,2	2,7	4,7
2005	6,4	7,6	2,2	4,8	11,3	4,2	1,9	4,4
2006	8,2	7,2	2,8	5,4	12,7	4,1	2,0	4,1
2007	8,5	6,1	2,7	5,4	14,2	4,0	2,4	3,8
2008	5,2	6,4	-0,1	5,6	9,6	4,1	-1,2	4,0
2009	-7,8	8,4	-4,4	7,5	9,2	4,2	-6,3	5,1
2010	4,3	7,5	1,8	7,8	10,4	4,1	4,5	5,0
2011	4,3	6,6	0,8	8,1	9,2	6,5	-0,8	4,6
2012	3,6	5,7	-0,1	7,8	7,8	6,4	2,2	4,4
Ўртача	4,7	7,2	1,2	6,2	10,4	4,6	0,9	4,5

анча паст. Демак, иқтисодий ўсиш суръатлари 10–12 фоизга ошиши ёки ҳар йили миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши мамлакат аҳолиси турмуш даражасининг яхшиланишига сезиларли даражада таъсир қилмас экан. Аслида ушбу муаммонинг моҳияти ва унинг ечимини давлат меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигидан унумли фойдалана олмаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунинг учун ҳам иқтисодий ўсиш ва бандлик ўртасидаги мувозанат аҳоли меҳнатидан унумли фойдаланишга ундайди ҳамда ишсизлик даражасини маълум меъёрда ушлаб туради.

Иккинчидан, иқтисодий ўсиш ва бандлик ўртасидаги мувозанат меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги мутаносибликни барқарорлаштиради. Меҳнат унумдорлиги мамлакат тараққиётини таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ушбу иқтисодий категория ҳам бевосита аҳоли бандлиги билан боғлиқ. Иқтисодиёти ривож-

ланган мамлакатлар меҳнат унумдорлигини ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришмоқда. Масалан, дунёда меҳнат унумдорлигининг даражаси бўйича биринчи ўринда АҚШ, кейинги ўринларда Ирландия, Люксембург, Бельгия ва Франция давлатлари туради<sup>2</sup>. Ушбу давлатларда иқтисодий ўсиш суръатлари охириги ўн йил ичида ўртача 4,6 фоиздан 6,8 фоизни ташкил этди. Ишсизлик даражаси АҚШда 9–10 фоиз, Францияда 9 фоиз, Бельгияда 7 фоиз, Германия ва Люксембург давлатларида 6 фоиз<sup>3</sup>ни ташкил этди. Лекин шунга қарамасдан, бу давлатлар мамлакат тараққиёти, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини таъминлаш бўйича дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киради. Масалан, ЯИМ аҳоли жон бошига харид қилиш қобилияти бўйича ҳисоблаганда Люксембургда ўртача 84700, Ирландияда 39500, Бельгияда 37600, Францияда

<sup>2</sup> Стрелкова Л.В., Кабанов С.С. О Влияние инноваций на рост производительности труда и занятость в Российской экономике. // «Социальные науки», 2011, №1. –С. 147–148.

<sup>3</sup> www.ereport.ru/stat.php?razdel=country

<sup>1</sup> www.ereport.ru/stat.php?razdel=country

**2-жадвал. Россия Федерациясида иқтисодий ўсиш ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари даражаси<sup>1</sup> (фоизларда)**

Кўрсаткичлар	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Иқтисодий ўсиш	106,4	108,2	108,5	105,2	92,2	104,3	104,3	103,6
Меҳнат унумдорлигининг ўсиши	105,5	107,5	107,5	104,8	95,8	101,9	102,6	104,1

35000 АҚШ долларини ташкил этади<sup>2</sup>. Ушбу мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёти, авваламбор, инсон омилига бўлган эътибор, шунингдек, ижтимоий ишлаб чиқаришда фаолликни таъминлаш усуллариининг ривожланганлиги, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш ва турли рағбатлантириш механизмларининг қўлланилишидан иборат. Шунинг учун ҳам иқтисодиётда банд аҳолининг меҳнат салоҳиятидан мамлакат равнақи йўлида фойдаланиш анча юқоридир. Аммо меҳнат унумдорлигининг мунтазам равишда ошиб бориши ва иқтисодий ўсиш суръатларидан юқорироқ бўлиши ҳамма вақт ҳам мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун ижобий самара бермайди. Одатда, меҳнат унумдорлигининг ўсиш даражаси мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръати билан боғлиқ ҳолда олиб борилса, ижобий натижалар беради. Россия Федерацияси меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий ўсиш суръатларига алоҳида эътибор қаратганлиги учун иқтисодий тараққиётга эришган (2-жадвал).

2-жадвал маълумотларига кўра Россия Федерациясида меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръати-

га деярли яқин. Улар орасидаги фарқ ўртача 0,3 фоизни ташкил этади. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётда банд аҳоли меҳнатидан унумли фойдаланилаётганлигини англатади. Демак, бизнинг ҳисобимиз бўйича меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий ўсиш ўртасида боғланиш ўртача 1,0 фоизгача бўлса, мамлакат тараққиётига салбий таъсир этмайди. Агарда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати иқтисодий ўсиш суръатидан 2–3 фоизга ортиб борса, иқтисодиётда банд аҳоли сони қисқаришига, аксинча, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати иқтисодий ўсиш суръатидан 2–3 фоизга камайиб борса, ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажми камайишига олиб келади. Шунинг учун мамлакатдаги ишсизликнинг олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиб, барқарор иқтисодий ривожланишга эришишнинг ягона йўлларида бири меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий ўсиш ўртасида мутаносибликни таъминлаш ҳисобланади. Бу иқтисодий ўсиш ва бандлик ўртасида мувозанатнинг таъминланишига боғлиқ бўлади. Демак, иқтисодий ўсиш ва бандлик ўртасидаги мувозанат нуқтаси меҳнат унумдорлиги билан иқтисодий ўсиш ўртасидаги мутаносибликни таъминлашда ҳам катта роль ўйнайди, деган хулосани чиқариш мумкин.

<sup>1</sup> Стрелкова Л.В., Кабанов С.С. О Влияние инноваций на рост производительности труда и занятость в Российской экономике. // «Социальные науки», 2011, №1. –С. 147–150.

<sup>2</sup> www.ereport.ru/stat.php?table=grecia&h= 30&d=1

Учинчидан, иқтисодий ўсиш ва бандлик ўртасидаги мувозанат қуйидаги боғланишларга таъсир кўрсатиб, уларни мутаносиблаштиришга олиб келади: а) экстенсив ривожланиш; б) интенсив ривожланиш.

Бу икки боғланишлар ҳар доим иқтисодчи олимлар ўртасида тортишувларга сабаб бўлган. Жумладан, иқтисодчи олимлар Е.А.Питухин, В.А.Гуратовлар ҳам мамлакатнинг иқтисодий ўсишини белгилашда қуйидаги муҳим саволни муҳокама қилишган: «Иқтисодий ўсиш даражасини белгилашда иқтисодиётда банд бўлганларнинг имкониятлари режалаштирилган ривожлантиришни амалга ошириш учун етарлимикан?»<sup>1</sup>.

Тўртинчидан, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлашга эришилади. Илгарилари иқтисодий мувозанат ҳақида гап борганда асосан ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги тенглик назарда тутилар эди. Бугунги кунда ҳам мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги тенглик муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, ушбу мувозанатга эришиш узоқ муддат бизнинг тахминий ҳисобимизча 30–40 йил, балки ундан ҳам кўпроқ вақтни талаб этиши мумкин. Чунки 30 млн аҳолининг талабларини ўрганиш ва уларни қондиришни 5 ёки 10 йил ичида амалга ошириш ниҳоятда қийин. Бу давр мобайнида аҳоли эҳтиёжлари доимо ўзгаришда

бўлганлиги сабабли ҳар доим таклиф этувчиларни барқарор суръатда ишлаш имконини бермайди. Қолаверса, талаб ва таклифнинг бир-бирига мувофиқ келиши ҳар доим ҳам ялпи ҳолатда учрамайди. Уларни маълум бир маҳсулот ёки хизматга бўлган талаби таклифга мувофиқ келиши мумкин. Лекин уларнинг мувозанати мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш учун ёки ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имконини бермайди. Шу сабабли ҳам иқтисодий мувозанат ҳақида гап кетганда талаб ва таклиф мувозанатидан ташқари, иқтисодий ўсиш ва бандлик ўртасидаги мувозанатга ҳам алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Иқтисодий ўсиш ва бандлик ўртасидаги мувозанат табиий ресурслардан оқилона фойдаланиб, ижтимоий муаммони ҳал этади. Демак, иқтисодий ўсиш ва бандлик ўртасидаги мувозанат таъминланиб борилса, ялпи талаб ва ялпи таклиф ҳам бир-бирига мувофиқлашиб бораверади.

Бешинчидан, иқтисодий ўсиш ва бандлик ўртасидаги мувозанат нуқтасини аниқлаш иқтисодиётнинг бош муаммосини ечишда ҳам катта роль ўйнайди. Сайёрамизда ўсиб бораётган аҳолини керакли ресурслар билан таъминлаб бориш мураккаблашиб бормоқда. Шу сабабли айрим иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда аҳоли истеъмолини қондириш мақсадида кимёвий усуллар орқали ишлаб чиқариладиган ва шу туфайли табиий маҳсулотлардан анча фарқ қиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш кенг

<sup>1</sup> Питухин Е.А., Гуратов В.А. Взаимосвязь динамики занятости в отраслях экономики и темпов экономического роста. / Сб. докладов по материалам второй Всероссийской научно-практической интернет-конференции с международным участием. – Петрозаводск, ПетрГУ, 2006. Источник: <http://Labourmarket.ru/conf2 reports/Pitukhin.doc>.

йўлга қўйилмоқда. Ишлаб чиқарувчи нуқтаи назаридан қаралса, табиий маҳсулотлардан фарқ қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бирмунча қулай ва самарали ҳисобланади. Аммо истеъмолчи нуқтаи назаридан қаралса, бу ҳолат салбий ҳисобланади. Чунки аҳоли узоқ муддат давомида кимёвий усуллар воситасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни истеъмол қилиши оқибатида ўз соғлиғини йўқотиб боради. Ушбу ҳолат вояга етаётган меҳнат ресурсларининг истиқболдаги сифатига муайян даражада салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Шу сабабли иқтисодий ўсиш суръатини чегаралаш, аҳоли эҳтиёжларининг асосийсини қондириш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Аҳоли эҳтиёжларини қондириш мамлакатнинг табиий ресурсларига боғлиқ. Аммо узоқ йиллар давомида аҳолининг миқдор ва сифат жиҳатдан ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш борасидаги интилиш ва имкониятларнинг кучайиши натижасида табиий ресурслардан аёвсиз фойдаланилди. Бунинг оқибатида айрим табиий ресурслар тугаш даражасига етиб, хавfli экологик муаммолар юзага келди. Энг ачинарлиси, инсон ва табиат ўртасидаги мувозанат бузилди. Одатда, инсон ўзини ўраб олган борлиқ билан тўла уйғунликда ўсиб вояга етади. Шу сабабли инсон табиат неъматларини исроф қилмасдан, уни асраши ва унумли ишлатиши лозим. Табиатдаги ҳар бир ўзгариш инсониятнинг турмуш даражаси ва фаровонлигига катта таъсир кўрсатади. Бу борада иқтисодчи

олимларнинг ҳам иқтисодий ўсиш ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш хусусида эътиборга молик фикрлари мавжуд: «...иқтисодий ўсиш муаммоларини муҳокама қилганда, таклиф омилларининг аҳамияти, одатда, биринчи ўринга чиқади. Шунинг учун иқтисодий ўсиш кўпинча таклиф эгри чизиғининг ўнгга силжиши ёрдамида аниқланади. Иқтисодий ўсишни унинг таклиф омиллари билан боғлиқликда ўрганиб, ЯММнинг кўпайиши ҳам ресурсларнинг ўсиши ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигининг ошиши билан белгиланади»<sup>1</sup>. Таклиф омиллари ичида табиий ресурслар ва меҳнат ресурслари бежиз дастлабки ўринларга қўйилмаган. Уларсиз, умуман иқтисодий ўсишга эришиб бўлмайди. Айниқса, табиий ресурслар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида нечоғлик катта роль ўйнаши бугунги кунда ўз исботини кўрсатди. Демак, мамлакатда аҳоли турмуш даражасини ошириб бориш борасида мусобақалашини эмас, балки аҳоли турмуш даражасини ошириш ва сифатини яхшилашда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича рақобатлашиш мақсадга мувофиқ бўлади.

<sup>1</sup> Макроиқтисодиёт: Амалий қўлланма. / Рус тилидан тарж. Х.С.Хўжаев, С.Х.Қосимова. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2011. –162–163-б.

**Адабиётлар:**

1. Макроиқтисодиёт: амалий қўлланма. / Рус тилидан тарж.: Х.С.Хўжаев, С.Х.Қосимова. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2011. –162–163-б.
2. Стрелкова Л.В., Кабанов С.С. О Влияние инноваций на рост производительности труда и занятость в Российской экономике. // «Социальные науки», 2011, №1. –С. 147–150.
3. Ершов Ю.С. Пространственный аспект Российской экономики и перспектив её развития: до и после кризиса. // «Регион: Экономика и социология», 2010, № 2. –С. 129–153.
4. Питухин Е.А., Гуратов В.А. Взаимосвязь динамики занятости в отраслях экономики и темпов экономического роста. / Сб. докладов по материалам второй Всероссийской научно-практической интернет-конференции с международным участием. – Петрозаводск, ПетрГУ, 2006. Источник: [http: Labourmarket.ru/conf2 reports/Pitukhin.doc](http://Labourmarket.ru/conf2_reports/Pitukhin.doc).